

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ПРОЦЕССУАЛ ХУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аълохонов Муҳаммадмирзохон Адхамхон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-босқич курсанти

Аннотация: мақолада ишни судга қадар юритишда ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан процессуал хужжатларни расмийлаштириш жараёнларидаги мавжуд муаммолар ҳамда тергов амалиёти таҳлил қилиниб, келгусида ушбу ҳолатларни ҳуқуқий кафолатлашга қаратилган истиқболли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ишни судга қадар юритиш босқичи, tergov ҳаракатларини ўтказишда холисларнинг иштироки, жиноят ишини қайта малакалаш, шахсларни сўровдан ўтказиш, ёзма тушунтиришлар олиш тартиби.

IMPROVING THE PROCEDURE FOR OFFICIALIZATION OF PROCEDURAL DOCUMENTS IN PROCEEDING THE CASE TO THE COURT

Annotation: in the article, the existing problems in the process of drawing up procedural documents related to the competent state bodies and officials in the management of the case before the court are analyzed, as well as the inspection work, and the production of proposals and recommendations that will allow to legally guarantee the actions in the future.

Key words: the process of conducting the case before the court, the participation of the impartial in the investigation, the processing of the criminal case, the use of personal requests, writing, the procedure for obtaining corrections.

КИРИШ

Мамлакатимизда сўнги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, жиноят-процессуал соҳасини эркинлаштириш, жиноят процессининг барча босқичларида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятларни яратиб бериш, қонуний манфаатларини тўла қафолатлайдиган мезонларни ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ҳар қандай назарий кашфиёт, ишлаб чиқилган қонун ва билдириладиган фикрнинг амалиётда қандай фойдаланилиши ва самарасига қараб унинг асослилиги ва ҳаққонийлиги даражаси белгиланади. Шунинг учун ҳам, ҳар қандай илмий-тадқиқот амалий фаолият жараёнлари мазмуни билан асосланган ва эмпирик базага таянган бўлиши талаб этилади. Олдинги бобларда далилларни расмийлаштиришнинг шаклланиш тарихи, моҳияти ва процессуал тартибга солиниши ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди. Далилларни процессуал расмийлаштириш самарадорлигини ошириш бевосита унинг амалиётида вужудга келаётган муаммоларни ўрганиш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали муайян ечимларнинг ишлаб чиқилишига бевосита боғлиқ.

Дарҳақиқат, жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан далилларни баённомада акс эттириш билан бир қаторда ёрдамчи усул сифатида техник воситалар ёрдамида янада мустаҳкамлаб қўйилиши келгусида тергов ҳаракатлари қонун талаблари асосида ўтказилганлиги ва процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларига риоя қилинганлигини, бир сўз билан айтганда, далиллар мақбуллиги қоидаларига риоя қилинганлигини тасдиқлайди[4].

МУЛОҲАЗАЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

Ҳозирги кунгача жиноят иши бўйича асосий ахборот манбаи қоғоз ҳисобланган, чунки суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарорлари, тергов ҳаракатларининг натижалари ёзма тарзда процессуал ҳужжатларда акс эттирилади. Ҳатто ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳамда бошқа тергов ва процессуал ҳаракатлар натижасида олинган фотосуратлар ҳам қоғозда акс эттирилган фотожадваллар шаклида расмийлаштирилиб, жиноят ишига қўшилади.

Жиноят ишининг мураккаблиги ва кўп эпизодлилиги, судга оид экспертизаларнинг кўплаб ўтказилиши, процесс иштирокчилари сонининг кўплиги муқаррар равишда улар билан боғлиқ тергов ва процессуал ҳаракатлар натижаларини расмийлаштиришга хизмат қилувчи ҳужжатларнинг кўпайишига олиб келади ҳамда жиноят ишининг катта ҳажмдаги жилдларини юзага келтиради. Тергов амалиётида жиноят ишларининг жилдлари 150-200 тадан ошиб кетиши ҳам кузатилган. Бундан ташқари, қоғозда расмийлаштирилган ҳужжатлар олов ёки қоғоз хусусиятини бузувчи бошқа воситалар таъсиридан тўлиқ ҳимояланган бўлмайди, чунки ташқи таъсирлар бу каби ҳужжатлар ёки уларнинг айрим қисмлари йўқ бўлишига олиб келиши мумкин. Шу боис, жиноят ишларини юритиш ва одил судловни такомиллаштиришнинг дастлабки қадамларидан бири қоғоз шаклидаги процессуал ҳужжатлардан воз кечиш ҳамда жиноят ишини юритишнинг янги шаклларига ўтишдир. Бунинг учун жиноят ишининг электрон шаклидан муқобил тарзда фойдаланиш таклиф қилинади. Бу эса, ўз навбатида, далилларни тўплаш ва процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини анча соддалаштирувчи тизим бўлиши лозим. Судга қадар иш юритишда процессуал ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби борасида қонунчилик ва тергов амалиётидаги ушбу жараён билан боғлиқ муносабатлар ўрганилганда, бу борада бир қатор муаммо ва камчиликлар борлиги аниқланиб, улар юзасидан процессуал ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш, уларни янада самарали ва сифатли қабул қилишга қаратилган бир қатор асосли ва истиқболли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди: Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг “Тергов ҳаракатларини ўтказишда холисларнинг иштироки” деб номланган 352-моддасида “Дастлабки терговда олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ўтказиш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш, эксперт тадқиқотини ўтказиш учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш камида икки нафар холис иштирокида амалга оширилади” – деб белгиланган.[5]

Хусусан, процессуал ҳужжатларни тузишда холислар иштирокини самарали таъминлаш жараёни ўрганилганда ушбу ҳолатлар бўйича айрим муаммолар юзага келаётганлиги аниқланди. Унга кўра, ўтказилиши нисбатан кўпроқ вақт талаб қиладиган кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тинтув, мурдани эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатлари бўйича холислар топишда муайян қийинчиликларга дуч келинади. Натижада суриштирувчи ва терговчилар ўзларига таниш бўлган, шунингдек олдиндан танланган шахсларни ишга холис сифатида жалб қиладилар ёки холисларга тергов ҳаракатларида иштирок этмасдан туриб баённомага имзо қўйдириш ҳолатлари мавжудлиги сир эмас.

Шулардан келиб чиқиб, процессуал ҳужжатларни тузишда холислар талаб қилинадиган айрим тергов ҳаракатлари бўйича видеоёзув қўлланилиши амалиётини жорий этиш ва видеоёзув қўлланилганда холислар иштирокини истисно этувчи нормаларни ЖПКга киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун ЖПКнинг *“Тергов ҳаракатларини ўтказишда холисларнинг иштироки”* деб номланган **352-моддасини 4-қисм билан тўлдириб** уни қуйидаги мазмунда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириши, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириши, мурдани эксгумация қилиши, эксперимент тергов ҳаракатларини ўтказишда юзага келган табиий-географик шароит, шахс ҳаёти ва соғлиғига зиён етиши эҳтимоли ҳамда холислар топишнинг реал имкониятлари мавжуд бўлмаган ҳолатларда ушбу тергов ҳаракатлари холислар иштирокисиз ўтказилиши мумкин. Бундай вазиятларда ўтказилган тергов ҳаракатлари видеоёзув воситалари ёрдамида қайд қилиниши ва бу ҳақда тергов ҳаракати баённомасига тегишли маълумотлар киритилиши шарт”.

Бундан ташқари, Республикамизнинг турли маъмурий ҳудудларидаги суриштирувчи ва терговчилар фаолиятини ўрганиш натижасида, улар томонидан тергов амалиётида вужудга келаётган ҳолатларни самарали ҳал этиш, иш

ҳолатларига ойдинлик киритиш, мақсадида *ЖПКда назарда тутилмаган бир қатор процессуал ҳужжатлар қабул қилиниши маълум бўлди.*

Булар асосан қуйидагиларда намоён бўлаётганлиги аниқланди:

- *процесс иштирокчисининг анкета маълумотларига аниқлик киритиш тўғрисидаги қарор* (Тошкент шаҳар) ва *жиноят ишига аниқлик киритиш ҳақида қарор қабул қилишида* (Фарғона вилояти) (процесс иштирокчисининг фамилияси, исми-шарифи, туғилган йили ва бошқа жиноят ишига алоқадор маълумотларни ишнинг дастлабки босқичида тузилган процессуал ҳужжатларда нотўғри қайд этилган ҳолларда тузилади);

- *жиноят ишини қайта малакалаш тўғрисидаги қарор қабул қилишида* (жиноят ишини қўзғатиш қарорида кўрсатилган ЖКнинг моддаси тергов жараёнида ўзгартирилган ҳолатларда тузилади);

- *жиноят ишининг бир қисмини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилишида* (жиноят ишини тўлиқ тугатмасдан ундаги муайян шахсга нисбатан қисми тугатилганда ушбу қарор қабул қилинади. ЖПКда эса фақат ишни тўлиқ тугатиш қарори тўғрисида сўз юритилган);

Жиноят ишини тергов қилишда юқорида санаб ўтилган процессуал ҳужжатларни тузишнинг процессуал тартиби ЖПКда тартибга солинмаганлиги боис ушбу процессуал ҳужжатлар ҳар бир суриштирувчи ва терговчи томонидан ***ихтиёрий шаклда*** расмийлаштирилади

Бизнинг фикримизча, ушбу процессуал ҳужжатларни тузиш мумкинлигини ҳамда уларга қўйиладиган талабларни ЖПКда белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ЖПКдаги “*Терговчининг ваколатлари*” деб номланган 36-моддаси ҳамда “*Суриштирувчининг ваколатлари*” деб номланган 38¹-моддалари 2-қисмини қуйидагича янги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

36-моддаси 2-қисмининг таклиф қилинаётган таҳрири:

“Терговчи иш ҳолатларидан келиб чиқиб, зарурат тузилса техник камчиликларни бартараф этиши, иш ҳолатларига ойдинлик киритиши ва жиноят иши доирасида вужудга келган ҳолатларни самарали ҳал этиши мақсадида, жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифаларидан четга чиқмаган ҳолда, ушбу кодексда назарда тutilmagan процессуал ҳужжатларни тузиши мумкин. Терговчи терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишига оид барча қарорларни, prokuror рухсатини олиши қонунда назарда тutilган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади.”

38¹-моддаси 2-қисми таклиф қилинаётган таҳрири:

“Суриштирувчи иш ҳолатларидан келиб чиқиб, зарурат тузилса техник камчиликларни бартараф этиши, иш ҳолатларига ойдинлик киритиши ва жиноят иши доирасида вужудга келган ҳолатларни самарали ҳал этиши мақсадида, жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифаларидан четга чиқмаган ҳолда, ушбу кодексда назарда тutilmagan процессуал ҳужжатларни тузиши мумкин. суриштирувчи суриштирувнинг йўналишига оид барча қарорларни мустақил равишда қабул қилади, бундан қонунда prokuror рухсатини олиши назарда тutilган ҳоллар мустасно.”

Шу жумладан, терговга қадар текширув босқичида ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар натижасида расмийлаштириладиган тушунтириш хатларини олишнинг ЖПКда процессуал тартиби белгиланмаганлиги, фақатгина терговга қадар текширув давомида тушунтиришлар олиш қайд этилганлиги, шунингдек, тушунтириш хатлари олишда гувоҳ, жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ҳуқуқий мақоми мавжуд бўлмаганлиги боис уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ҳамда ёлғон кўрсатув бериш ёки кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш масаласи ҳал этилмаганлиги муаммолари мавжуддир.

Ҳозирги кунда тергов амалиётида аксарият ҳолларда гувоҳ ва жабрланувчилардан тушунтириш хатлари олинганда, уларга ЖКнинг

238, 240-моддалари бўйича жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмоқда. Терговга қадар текширув даврида гувоҳ ёки жабрланувчидан тушунтириш хати олиш вақтида ёлғон гувоҳлик берганлик учун ёки кўрсатув бериш мажбуриятини бажармаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирмаслик ишни мураккаблаштириб, текширув ҳаракатлари ўтказишни чигаллаштиришга олиб келиши мумкин.

Ушбу жараёнларни янада оптималлаштириш мақсадида терговга қадар текширув давомида шахслардан иш учун аҳамиятли маълумотлар тушунтириш хатлари шаклида эмас, балки сўров баённомалари орқали расмийлаштирилса, натижада шахсларни сўровдан ўтказишнинг алоҳида тартиби ЖПК да белгиланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу сабабли биринчи навбатда ЖПКнинг 87-моддасини қуйидаги мазмундаги 3-қисм билан тўлдириш:

“Терговга қадар текширув жараёнида далиллар терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, ҳимоячи томонидан ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали ҳам тўпланиши мумкин”

Бунинг процессуал тартибини қуйидаги мазмундаги ЖПКнинг 87¹-моддаси билан то‘ldirish мақсадга мувофиқ бўлади:

“87¹-модда. Шахсларни сўровдан ўтказиш ва ёзма тушунтиришлар олиш тартиби

Терговга қадар текширув давомида иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларга эга шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш мумкин.

Сўров ўтказиши жараёни ва натижалари баённомада қайд этилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) сўровни ўтказиши жойи ва санаси, уни бошлаш ва тугатиши вақти;*
- 2) сўров ўтказаетган шахснинг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми;*
- 3) сўров қилинаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш ва иш жойи, шунингдек шахсига доир бошқа маълумотлар.*

Сўров ўтказишдан олдин сўровдан ўтказилаётган шахсга ўз она тилидан фойдаланиши тушунтирилиб, бу ҳақда баённомага тегишли қайдлар киритилади.

Тушунтиришлар баённомага биринчи шахс номидан, имкон борича сўзма-сўз ёзиб борилади. Савол-жавоб сўров жараёнида қандай олиб борилган бўлса, шундай изчилликда қайд қилинади, шунингдек сўров ўтказилаётган шахс жавоб беришдан бош тортган саволлар ҳам баённомага киритилиши керак.

Сўровдан ўтказилаётган шахс тушунтиришларини қўлёзма шаклда бериши мумкин. Қўлёзма шаклдаги берилган тушунтиришлар баённомага илова қилиниб, бу ҳақда баённомага тегишли қайдлар қилинади.

Сўров тамомлангач сўров қилинган шахс баённомани ўқиб чиқади, тушунтиришлари тўғри ёзилганлиги ва у билан танишганлигини имзо чекиб, тасдиқлайди. Имзо баённоманинг охирига қўйилади, башарти тушунтиришлар бир неча саҳифага ёзилган бўлса, ҳар қайси саҳифага алоҳида имзо чекилади”. [7]

Ушбу тартибнинг жорий этилиши келгусида гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ишни судга қадар юритишнинг исталган босқичида ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатланиши ҳамда ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ҳуқуқий хатти-ҳаракатларини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлашга хизматга қилади.

ХУЛОСА

Суд-хуқуқ тизимида бўлаётган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар қонунларимизнинг либераллашувига олиб келмоқда ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг кафолатига айланмоқда. Жиноят иши юзасидан дастлабки тергов фаолиятини олиб бораётган ваколатли орган ва мансабдор шахслар ҳаракатлари ҳамда қарорларининг қонунийлиги ҳамда асослилигидан гувоҳлик берувчи юридик талабларнинг барчасига риоя этилаётганлик ҳолати процессуал ҳужжатда ўз аксини топади.

Жиноий таъқибнинг асосий мақсадларидан бири бўлган объектив ҳақиқатни аниқлашга далилларни тўплаш, текшириш, баҳолашдан иборат бўлган исбот қилиш жараёнида эришилади. Ушбу фаолиятда далилларни тўплаш ва унинг таркибий қисми – процессуал ҳужжатлаштириш муҳим ўрин тутади. Агар тергов ҳаракати давомида олинган далиллар қонуний тартибда жиноят-процессуал ҳужжатларда қайд этилмаса, ҳақиқатни аниқлаш ҳам қийин бўлади. Шундай экан, исбот қилишнинг мақсадига эришиш учун олинган далиллар процессуал расмийлаштирилиши лозим.

Судга қадар иш юритиш процессуал ҳужжатларининг адолатлилиги унинг асослилигини белгиловчи ахлоқий баҳо сифатида бундай ҳолларда ҳам аввало унинг қонунийлиги билан белгиланади, ўз навбатида судга қадар иш юритиш процессуал ҳужжатларининг адолатлилиги ва мақсадга мувофиқлиги унинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади. Бошқа сўзлар билан айтганда, судга қадар иш юритиш процессуал ҳужжатларининг мақсадга мувофиқлиги ва адолатлилигига қонун тўғри қўлланилган тақдирдагина эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.2023
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Т.2023

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сонли қарори // URL: <https://www.nrm.uz>

4. Уголовно-процессуальное право. Актуальные проблемы теории и практики: учебник для магистратуры / В. А. Лазарева [и др.]; под редакцией В.А.Лазаревой, А.А.Тарасова. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2017. – С. 238. Текст: электронный // ЭБС Юрайт [сайт]. – URL: <https://urait.ru/bcode/398631>.

5. Жиноят процесси (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (Иноғомжонова З.Ф.нинг умумий таҳрири остида). – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 596 б

6. М.Д. Ботаев Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – 2020.

7. М.Э. Мўминов. Ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришни такомиллаштириш // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф.– 2021.